

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
16-iyun,
payshanba

№ 72
(3733)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ёш оилаларга байрам тўғриси

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўрилайётган шу кунларда Қарши шаҳрида ёш оилалар учун қурилган «Қамолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Қарши шаҳрининг марказида қад ростлаган 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй шаҳар кўрғига кўрк кўшди. Барча қулайликларга эга янги уй ёш оилаларда эртанги кунга ишонч, юрт раънақи йўлида фидойи бўлиш, Ватанга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— 2016 йил 15 июн санаси бизнинг оиламиз учун унутилмас кун бўлди, «Қамолот» уйидан бирига оилам билан кўчиб ўтдим, — дейди «Қамолот» фаоли, «Шўхрат» медали соҳибаси Ферузобону Абдурахмонова. — Бунинг учун барча бахтиёр ёш оилалар номидан Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Таниқли эстрада хонандалари ва бадий жамоалар ижросидаги куй-кўшиқлар тadbирга байрамона кайфият бағишлади.

ЎЗА фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган сурат.



Давра суҳбати

Болалар манфаатлари мустаҳкам ҳимояда

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси манфаатдор вазирлик ва идоралар, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва ЮНИСЕФнинг қўллаб-қувватлаши билан 12 июль — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кўнига бағишланган республика ва ҳудудлар даражасидаги давра суҳбатларини ўтказди.

Бу йилги Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кўнининг асосий мавзусини хомашедан тайёр маҳсулотларга бўлган ишлаб чиқариш тизимларида болалар меҳнати масалалари ташкил этди. Сўнги маълумотларга кўра бугун дунёда 168 миллион нафар болалар меҳнат қилишга мажбур бўлишмоқда. Бундай ҳолатнинг негизда қашшоқлик, катталар учун муносиб иш ўринларининг танқислиги, ижтимоий ҳимоя тизимининг заифлиги ҳамда мактаб таълими билан барча болаларни қамраш имконияти мавжуд эмаслиги ётади.

Маълумки, трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хомашедан тайёр маҳсулот кўринишига етгунга қадар бир неча мамлакатдаги корхоналарда кўлаб технологик жараёнлардан ўтади. Ишлаб чиқаришнинг баъзи бўғинларида болалар меҳнатидан фойдаланиш эҳтимоли мавжуд. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида болаларни ишлатиш ҳолатлари кўп учрайди.

Шу муносабат билан кўлаб мамлакатларда бу кунга бағишлаб ўтказиладиган тadbирларда бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулиятини кучайтириш, барча болаларга бепул таълим олиш имкониятини яратиш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик ва таълим соҳасидаги миллий сиёсат изчилиги ва самарадорлиги масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида болалар ҳуқуқлари, соғлиғи ҳимояси ва сифатли билим олишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлди. Жумладан, соҳани тўлиқ ислоҳ қилиш ҳамда кадрлар тайёрлашнинг ривожланган давлатлар даражасидаги тизимини барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бутун мамлакат болаларига 12 йиллик мажбурий бепул таълим беришни кўзда тутувчи халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган таълим тизимимиздаги ислоҳот болалар меҳнатига самарали қарши тура оладиган механизмдир.

Мамлакатда амалга оширилаётган моделнинг принциплари ҳусусияти шундаки, қўқувчилар 9 йиллик умумтаълим мактабиди ўқидан сўнг кейинги 3 йилда махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда умумтаълим фанларидан ташқари меҳнат бозорига талаб мавжуд бўлган 2-3 мутахассислик бўйича касбий тайёргарликка ҳам эга бўлишади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўртача таълим мuddати тўла 12 йилга яқинлашган. Мамлакатнинг таълим соҳасига сарфлаётган харажатлари жаҳон амалиётида учрамайдиган даражададир. Ўзбекистонда таълим ислоҳотиغا йилга сарф қилинадиган харажатлар ЯИМнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Бу эса давлат бюджетини қўллаб-қувватловчи 35 фоиздан ошқ-

роғидир. Умуман, мустақиллик даврида 10 мингга яқин мактаб, 12 мингдан ортиқ лицей, коллежлар қурилди ва модернизация қилинди. Уларнинг барчаси замонавий жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминланган. 2015 йилда таълим соҳасидаги 384 та объектнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлашиб, ушбу мақсад учун 423 миллиард сўм сарфланган. Жумладан, 29 та мактаб намунали лойиҳа асосида янгидан қурилди. 219 таси реконструкция қилинди ва 136 таси капитал таъмирланди. Кейинги 10 йилда педагоглар маошининг ошиш суръати реал иқтисодий соҳасиди меҳнат ҳақ тўлаш суръати ошишидан тахминан 1,5 баробар юқоридир.

«Соғлом она — соғлом бола» миллий модели аёллар ва келажак авлодини алоҳида ҳамхўрлик билан қамраб олиш имкониятини берди. Уни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014 — 2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланди. Унинг шарофати ила фертил ёшларда аёллар, болалар ва ўсимларни тўлиқ тиббий кўрик билан қамраб олиш, туғма хасталиклар билан чақалоқлар дунёга келишининг олдини олишга эришилди.

2015 йилда 141 та тиббий муассасани қуриш, реконструкциялаш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 500 миллиард сўм йўналтирилди. Қишлоқ врачлик пунктларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаб, оптималлаштириш ишлари яқунда.

Ўзбекистон икки ёшгача бўлган барча ўғил ва қиз болаларни бепул эмлайди. Бу эса дифтерия, полиомелит ва қокшол (столбняк) каби касалликларни тўла йўқ қилиш имкониятини берди. Бутун мамлакатимиздаги 92 фоз болаларнинг ривожланиш (усуш) параметрлари Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади.

«Save the children» халқаро ташкилотининг ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини сақлашда энг яхши ҳамхўрлик қилаётган мамлакатлар рейтингидида Ўзбекистон 161 мамлакат орасида ҳақли равишда 9-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистонда аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиляпти. 2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан болалар спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастурини амалга ошириш доирасида умумий қийматли 225 миллиард сўмга тенг бўлган 35 та замонавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси (бассейн), 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Сангзор водийсини яёв кезганда...



Бир томондан Мирзачўл ва Қизилқумга, жанубдан Туркистон ва ғарбдан Нурота тизма тоғларига боғланиб кетгани учун вилоятни тоғлар ва чўллар ўлкаси дейиш мумкин. Вилоят маркази — Жиззах шаҳри мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор шаҳарларидан бирига айланди. Қадимда Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи Жиззах орқали ўтган. Х аср араб сайёҳлари Ибн Хавхал ва Мақдсий асарларида бу шаҳар тилга олинган.

САНОАТДА ЙЎЛЧИ ЙЎЛДУЗ

Жонажон юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам ислоҳот ва янгиликлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Вилоятда етакчи соҳаларни модернизациялаш, илғор техника ва технология билан қуроллантириш, замонавий корхоналар барпо этиш, кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик ва фермерлик харақатини бугунги талаблар даражасида ривожлантиришга эътибор қўйилди. Шаҳару қишлоқларга ўзгача зеб бериб турган бино ва иншоотлар, жумладан, мактаб, коллеж, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари, кўйинги, барча бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари истиқлол мевасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги фармони вилоят тарққийтини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлди.

Худудда машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат ва фармацевтика, тиббий таълим маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш соҳасига иxtисослашган кўлаб йирик қувватлар ишга туширилди. Пировардида ички истеъмол бозори янги ва арзон маҳсулотлар билан тўлди. Яна бир муҳим жиҳати, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорағида 372,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 фоизга кўндир. Корхоналарнинг замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, сифатини яхшилашда юксак самара бермоқда. Ўн битта корхонада олиб борилган модернизация натижасида қўшимча 21,8 миллиард сўмлик йигирма турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилди. «Жиззах» махсус индустриал зонасида «EkoKlimat» корхонасида йилга ўн минг тонна шина толали иссиқлик сақлаш маҳсулотлари, «Broadband solutions» корхонасида электроника аппаратларининг бутловчи қисмлари, Жиззах шаҳридаги «Naqiat-Otabek» корхонасида ойнага ишлов бериш, «Elektro elant fazz» корхонасида трансформатор, Ғаллаорол туманидаги «Karshan Ideal texno» корхонасида асфалт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда ўн миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, биринчи чорағида 431,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Иморат АДА», «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамиятлари, «Оламчи полимер» МЧЖ, «Кўёш иссиқлик энергияси» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати билан харидоригр бўлиб қолди.

»(2).

Аёл, жамият ва касба уюшмалари

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Tadbirга тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларнинг касба уюшма кўмитаси раислари, хотин-қизлар масалалари бўйича масъуллар таклиф этилди.

Ижтимоий ҳимоя — устувор вазифа

Тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларга эътибор ва ҳамхўрлик юқори босқичга кўтарилгани, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги фаолиятини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга қаратилган кенг ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бунда касба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш касба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда, албатта, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бир каторда нодавлат секторда фаолият кўрсатётган аёлларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ходимлари, касаначилар ва оилавий тadbиркорликда банд бўлган аёллар жамоа шартнома ва келишувла-

ридаги имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланишмоқда. Айни вақтда тармоқ касба уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда 14 минг 192 нафар аёл фаолият юритиб, фидокорона меҳнатлари билан юрт раънақига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айтиш жоизки, тармоқда бу борада кўлаб ибратли ишлар амалга оширилган. Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд. Йигирлишда тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизлар манфаатларини таъминлашдаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида фаолият кўрсатаётган комиссия фаолиятига танқидий, таҳлилий жиҳатдан баҳо берилди. Бу борадаги ишларни тизимли, самарали олиб бориш мақсадида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда тармоқ касба уюшмаси Хотин-қизлар кенгаши тузилиб, Дилдора Алимова раис этиб сайланди.

Йиғилиш таклиф ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

Саф кенгайиб, ишонч ортмоқда

Самарқанд вилоят матбуот уюшмаси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси VII Курултойида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан тизим ташкилотлари кўмағида яратилаётган янги иш ўринлари таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Маҳмуд Бобоев устувор вазифалар ижроси, қуйи ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, аёзо ташкилотлар сафини кенгайтириш бора-

сида амалга оширилаётган ишларга муфассал тўхтади. Эътироф этилганидек, кейинги бир йилда касба уюшмалари сафига 280 та ташкилот аёзо бўлди. Натижада, 37903 нафар ходим манфаатлари ҳимояга олинди. Таркиб-

ни кенгайтириш баробарида жойларда амал қилаётган жамоа шартномалари таъсирчанлигини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Кейинги бир йилда жамоа шартномаларга қўшимча 20-35 тагача имтиёз ва кафолатлар киритилмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан туман ва шаҳарларда 25 тадан янги иш ўрни яратилишига кўмаклашиш борасидаги ташаббус самараси ўлароқ, вилоятда 409 та янги иш ўрни ташкил этиш ре-

жалаштирилди. Айни чоғда 275 та иш ўрни яратилиб, бир қатор ёшлар бандлиги таъминланди.

Анжуманда тармоқ касба уюшма Республика кенгаши раисининг масъул ташкилотчилари, бирлашма кенгаши мутахассислари «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишларга эътибор қаратишди. Ўтган даврда касба уюшмалари томонидан 1111 та эҳтиёжманд оила, 152 нафар боқувчисини йўқотганлар, 400 нафардан ортиқ фарзанд тарбияси билан банд аёлларга кўмак кўрсатилиб, қатор имтиёзлар яратилди.

Тadbирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Болалар манфаатлари мустақкам ҳимояда

Ўзбекистон Республикасида болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...

Вояга етмаганлар орасида назоратсизлик, қаровсизлик ва қонун бузилишининг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида...

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 майдаги 132-қарори билан «Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини 2014 — 2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар комплекси» тасдиқланди.

Мазкур қарор билан мактабларда (юқори синфлар учун), шунингдек, лицей ва коллежларда вояга етмаганлар ҳуқуқлари тўғрисидаги мамлакатимиз қонунлари ва ҳуқуқимиз томонидан ратификация қилинган ХМТ Конвенцияларини ўрганишга бағишланган дарслар жорий қилинди.

Жумладан, 2016 йилнинг январ ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2016 — 2018 йиллар учун қишлоқ ҳўжалигида банд бўлган ходимларни меҳнат шартлолари, бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини янада тақомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси»га қўра болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўсустан, ҳар йили мазкур йўналишда жамоатчилик мониторинги ўтказилиб, таълим, тиббиёт муассасалари, савдо марказлари, корхона, ташкилот ва бошқа жойларда болалар ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига бағишланган, мамлакатимиз қонунлари акс эттирилган плакат, баннер, постерлар тарқатилмоқда.

Меҳнат бозорига талаб катта бўлган касблар, шунингдек, ёшлар учун ишга қабул қилинаётганда белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар тўғрисидаги видеороликлар тайёрланиб, мактаб, коллеж, лицейларда намойиш этилапти.

Болалар манфаатларини таъминлаш масаласи парламент томонидан ҳам назорат қилиб борилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳар йили ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 138- ва 182-конвенциялари бағирилиши юзасидан парламент эшитувини ўтказди.

ХМТ Конвенцияларини меҳнат жараёнига самарали татбиқ қилиш юзасидан аниқ чоралар қўриш масаласи касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўтказиладиган жамоа музокаралик кун тартибига муҳим ўрин эгаллайди. 2014 — 2016 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувда томонлар ХМТ Конвенцияларини талабларига сўзсиз амал қилиш тўғрисида келишиб олган.

Касаба уюшмалари тақлифига қўра тармок, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига ишга қабул қилишда энг кичик ёш меъёрларига амал қилиш, ёшлар, айниқса, 18 ёшга тўлмаган шахслар масаласида меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган қўшимча қафолат ва имтиёзларга амал қилиш тўғрисидаги бандлар киритилган.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда. 2015 йил мавзбандида ижтимоий-меҳнат масалаларига оид 7 минг 866 та муурожаат қўриб чиқилди. Уларнинг 89 фоизи қааноатландирилди. Судларга 115 та даъво аризаси, иш берувчи ва мансабдор шахсларга 463 та тақдимнома киритилиши натижасида 1 минг 38 нафар фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Фуқароларга бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатиш мақсадида касбаба уюшмаларининг Юридик клиникаси ташкил қилинди. Қўриб чиқилган муурожаатлар орасида болалар меҳнатига талаллуқли муурожаат учрамагани алоҳида эътиборга лойиқ.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш объектиларида меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қондаларига амал қилиниши устидан назорат олиб бормоқда. Иш жойларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда касб касалликларини бартарф қилиш мақсадида касбаба уюшма ташкилотлари томонидан 4,3 мингта корхонада меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганиб чиқилди. Иш берувчиларга 1 минг 623 та тақдимнома киритилди. Аниқланган камчиликларнинг аксарияти жойида бартарф этилди.

Мактаб ёшидаги болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига жаоб қилиш болалар меҳнатининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади. Жорий йил 1204 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатаётди. Уларда 292 минг нафардан ортик болалар дам олдирилади ва соғломлаштирилади. Мазкур мақсадлар учун 50 миллиард сўм маблаг сарфланиши кўзда тутилган.

Касаба уюшмалари Федерацияси болалар меҳнатига қарши кураш тадбирлари доирасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйган.

Бундан ташқари, Касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлигида болалар меҳнати масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинган. Кенгаш доимий фаолият юритувчи жамоат органи ҳисобланиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар, касбаба уюшмалари, иш берувчилар уюшмалари ҳамда бошқа ННТларнинг масъул ходимларидан шакллантирилган.

Таъкидлаш керакики, мамлакатда иш берувчилар, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларини мазкур масала юзасидан ўқувларини ташкил қилиб бориш тизимли йўлга қўйилган. Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўқув курсларига меҳнат муносабатларига қаратилган миллий қонунчилик ва ХМТ Конвенциялари тўғрисида дарслар киритилган. Тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилаетди. Махсус буклетлар, ўқув қўланмалари нашрдан чиқарилмоқда ва тарқатилмоқда. Ота-оналар мажлислари ўтказилиб, мавзуга оид қонунчилик нормалари тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикасида Болалар меҳнати масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш хотибияти

Бу муқаддас Ватанда



САНГЗОР ВОДИЙСИНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Вилоятда пахтани қайта ишлаб, тайёр ва ярим тайёр маҳсулот чиқараётган корхоналар сони ортиб бораётгани учун ҳам ҳудуднинг экспорт имконияти кенгаймоқда. «Jizzax plasteks», «Nargiza teks», «Jizzax kenteks», «Rustex investproducts», «Zarina teks»-лар шундай корхоналар сирасидан.

Сўнгги пайтда экспортчи корхоналар сони еттигата ортки. «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида биригина ўтган йили тўққизта саннат корхонаси иш бошлаган эди. Бугунга келиб полипропилен қувурлари, фитинг ва винтеллар, замонавий электроника маҳсулотлари, энергияни тежайдишдан светодиодли лампалар, гилам ва гилам маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича 11,8 миллион АҚШ долларидики маҳсулот экспорт қилинди. Яна бир эътиборли жиҳати, Фалларол, Бахмал, Фориш, Янгиобод, Зомин сингари олис ва чекка ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидобийни топапти.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йилнинг дастлабки чорагида 1 миллион 360 минг долларлик шу турдаги маҳсулотлар экспорт қилингани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

БУНЁДКОРЛИК МЎЎЖИЗАЛАРИ

Жиззах воҳаси жамоли истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. — Юртбошимиз вилоятимизда фаоллар, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермер ва ёшлар вакиллари билан учрашув чоғида Жиззах шаҳрининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салмоқли ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эдилар. — дейди вилоят архитекура ва қурилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Эргаш Қўлидов. — Шаҳарни энг намунали даражага кўтариш, унинг бош режасига киритилиши зарур бўлган жидий ўзгаришлар, бунёд этилиши лозим бўлган иншоотлар, йўللар ва кўприклар, хиёбон ва болар ҳақидаги қимматли тавсияларини берганда бун ҳудуд ахли зўр қувонч ва мамнуният билан қаршилади.

Сўнгги икки йил мобайнида вилоят марказида 17 та хиёбон барпо этилди. Айни пайтда «Иттифок» маҳалласи ҳудудида ақвакураш саройи қурилиши жадаллик билан олиб борилмақда. Кенг қўламли қурилиш ва кўламазорлаштириш ишлари туфайли «Хотира боғи» ўзгача қиёфа касб этди. Вилоятда 741 та намунавий лойиҳа асосидаги уй қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти. Биригина Мустақиллик кўчасида 34 та кўп қаватли турар жой барпо этилиб, йўللар замон талабига мослаштирилди. Бу йил юзга яқин мактабгача таълим муассасаси бинолари таъмирланади. Олий маҳорат бокс мактаби биноси қурилиши кўзда тутилган. Вилоятимизнинг ҳар бир туманида 25 тадан кўчалар намунавий кўринишга келтирилди. Жиззах политехника институтида, «Жиззах» махсус индустриал зонасида кенг қамровли қурилиш ишлари олиб борилмақда.

ИФТИХОР

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожига ўз аксини топмоқда. Зафаробод тумани ҳудудидаги Пистали тоғи бағрида 116 миллион доллар эвазига Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати таркибидики Жиззах цемент заводи, Фалларол туманида умумий қиймати 1,3 миллиард сўмлик йирик саннат корхонаси, Бахмалда эса лойиҳа қиймати 5 миллиард сўмлик, йилига тўрт минг тонна мева концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга итисослашган линия ишга туширилди. Жиззах шаҳрида эса лойиҳа қиймати 47 миллион доллар бўлган, йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 10 минг тонна қалава ип, 12,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватига эга йирик енгил саннат корхонаси — «Jizzax plasteks» фаолият кўрсатмоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Шундай шуқуҳли дамларда қалбимиздан ким эдигу, ким бўлдиқ, келгусида қандай марраларни кўзлаб яшаймиз, деган кечинмалар ўтиши табиий.

МУШТАРАК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида касбаба уюшмалари ҳам муносиб иштирок этмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касбаба уюшмаларининг Ҳаракат дастури, Қурултой ва Федерация кенгаши қарорларини бағириши ва шу орқали меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрлик кўрсатиш, муносиб меҳнат шартлолари яратиш борасида фаол иш олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти ўсиб бормоқда. Ҳудудий касбаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклики янада ривожлантириш, жамоа шартномавий муносабатлар орқали ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда 141 та ёзма, 35 та оғзаки му-

рожаат кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Амалдаги Бош келишув асосида вилоятда битта минтақавий, 13 та туман (шаҳар) миқёсидаги тармок келишувлари ҳамда бевосита корхона ва ташкилотларда 8367 та жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Вилоятдаги тармок касбаба уюшмаларига аъзо ташкилотларда 2534 нафар ногирон меҳнат қилаётгани аниқланиб, улар учун қонунчиликда белгиланган барча қўшимча имтиёзлар қўлланилишига эришилди. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 9 нафар ходим санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Аъзолик афзаллигини асослаш борасида Савдо-саннат палатаси ҳудудий бошқармаси билан имзоланган қўшма қарор асосида белгиланган ҳамкорлик дастурига биноан фаолият олиб бориляпти. Ўтган даврда 891 та корхона, ташкилот, фермер ҳўжаликлари, хусусий фирмаларда меҳнат қилаётган 4309 нафар ходим аъзоликка олдинди.

Касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, бошланғич ташкилотларнинг



Истиқлол анкетаси

БИР САВОЛГА БЕШ ЖАВОБ

«Истиқлолнинг айна фараҳбахш дамларида касбаба уюшмалари ўрта бўгин етакчиси сифатида кўнглингиздан нималар кечмоқда?». Мухбиримиз тармок касбаба уюшма Республика кенгашларининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиларига шундай савол билан муурожаат қилди.




Баҳрулло ҚОДИРОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Бугун истиқлолнинг 25 йиллик шодиёналари остонасида турибмиз. Ушбу тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Қай бир соҳани олиб қараманг, мустақиллик йилларида кенг қўлач ёйган ислохотлар ўз мевасини бераётганини кўрасиз. Жумладан, касбаба уюшмалари тизимида амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар энг оммавий жамоат ташкилоти ҳар бир меҳнаткаш манфаатининг ишончли ҳимоячиси эканлигини кўрсатиб берди.

Мактаб ўқувчисидан меҳнат фахрийсигача, Ватан ҳимоячисидан уруш қатнашчигача, спортчидан санъаткоргача, қўйингки, қайси соҳа вакили бўлмасин, касбаба уюшмалари томонидан ардоқланиб, манфаатлари ҳимояланмоқда.

Алишер КАРИМОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Президентимизнинг: «...биз ҳеч қачон ҳеч қандам кам бўлмаганимиз ва эзгу мақсад-муддаимиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч қандам кам бўлмаганимиз», деган сўзлари барча-мизни янги марралар сари руҳлантиряпти.



Ақбархон ТУРСУНОВ, Агросаннат мажмуи ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

Бугунги кунда мамлакатимизда ходимларнинг касбаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи қафолатланган. Касабаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақоми миллий қонунчилигимизда мустақамланган, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда уларнинг фаол иштирок этаётгани дунё мамлакатлари ўртасида Ўзбекистоннинг нуфузини яна бир қара юқори кўтаради.

— Юртимизда ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишда касбаба уюшмалари алоҳида ўринга эга. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тармок касбаба уюшмасининг вилоятимиздаги шаҳар ва туман кенгашлари томонидан нодавлат секторда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка жалб этиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган савий-ҳарақатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 183 та ҳўжалик субъектида, яъни 181 та фермер ҳўжалиги ва 2 та корхонада меҳнат қилаётган 1093 нафар ходим сафимизга қўшилишди.

Хамроқул ҚОДИРОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— «Фарзанд» сўзи араб тилида «аёлнинг бахти» деган маънони билдиради. Биз болажон халқимиз.

Ўзбек халқининг фарзанд тарбиясидаги минг йиллик қадриятлари мустақил давлатимизнинг ёш авлод тарбияси борасидаги доно сиёсати билан уйғунлашиб кетганини қувонарли ҳолдир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилда мамлакатимизда ҳар юз минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага камайган. Шундай кўрсаткичлар билан Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Эришилаётган залворли ютуқларда касбаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос улуши борлигидан ҳамиша гурурланаман.

Мамадали ҚУЛБОВЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Энг аввало, мустақиллик биз учун энг олий неъмат эканлигини чуқур англашимиз ва бунинг учун Аллоҳга чексиз шуқроналар келтиришимиз, тинч, фаровон, осойишта қуларнинг қадрига етмоғимиз лозим.

Мамлакатимизда ҳўкм сураётган тинчилик ва фаровонликка касбаба уюшмаларининг сўнгги беш йилда амалга ошираётган ишлари муносиб жавоб бўла олади. Касабаба уюшмалари тизимли ва мисли кўрилмаган ўзгаришларни бошдан кечирди. Жумладан, вилоятимиз мисолида оладиган бўлсақ, Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси томонидан янгидан қурилган «Ҳавотог гулшани» сийхаттоғи касбаба уюшма аъзоларига соғлигини тиклаши учун улкан имконият яратди.

Вилоят касбаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши биносининг Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси томонидан капитал таъмирлаб берилиши натижасида кенг, ёруғ ва шинам хоналарда фаолият олиб бораёلمиз. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ходимнинг қучига қуч, гайратига гайрат қўшмоқда.

Ўз мухбиримиз

4

ДИККАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азияз» аънавий танловини эълон қилади.

Танловга «Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

- «Энг улуг, энг азияз» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатиш материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азияз» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

Реклама



«Ойдин йўл»да мароқли ҳордиқ

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахитох шаҳридаги «Ойдин йўл» болалар ёзи соғломлаштириш оромгоҳида Нукус шаҳри, Қўнғирот, Шуманай ва Ҳўжайли туманларидан 120 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда.



Замонавий шароитларга эга оромгоҳда 10 га яқин ижодий ва спорт тўғрақлари ташкил қилинган. — Мавсум давомида турли танлов ва спорт мусобақалари ташкил этиши, тарихий масканларга саёҳат уюштириш, тиб-

биёт, ҳуқуқчи муҳофаз қилиш органлари ходимлари иштирокида соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданият мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилган, — дейди бош тарбиячи Меҳрибону Давлатмуродова.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ МАКСАД ХАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

Касаба уюшмалари — болалар спорти ҳомийси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қўшма чора-тадбирлар режасига асосан Соғлом она ва бола йиллиги ўтказилиши режалаштирилган «Футболимиз гунчалари» мусобақасининг худудлардаги босқичи якуни бўлиб, унга кўра ҳар бир вилоятдан сараланган жамоалар Гулистон шаҳридаги «Гулистон» марказий ўйингоҳида учрашдилар.

Футболимиз гунчалари

бу юрган 14 та жамоа ғолиблик учун курашди. 5 кун давом этган беллашувларда Сирдарё вилояти жамоасига 1-ўрин насиб этди. Фарғона ва Тошкент вилоятлари жамоалари совриндорлар сараланган жой эгаллади. Чемпионатнинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан вилоят футбол федерацияси раиси ўринбосари С.Абдуғафоров ўшбу мусобақанинг аҳамияти, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга ети-

шида спортнинг тутган ўрни, шу билан бирга, юртимизда футболга берилган эътибор хусусида гапирди. Тадбир сўнгигида ғолибларга фахрий ёрлик ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совгалари топширилди. Чемпионат кўбигини Сирдарё вилояти жамоаси қабул қилди олди. — Болаларнинг ўйинга, ғалаба бўлган иштиёқини ҳисобга олиб, ўнга яқин номинатсиялар ғолибларини ҳам совга ва фахрий ёрликлар би-

лан рағбатлантириш, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, Гулистон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Қаҳрамон Йўлдошев. — Бу борада биз чемпионатнинг барча ҳомийларига, жумладан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари билан ҳаммуносабат кенгашига миннатдорлигимизни билдираман. Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Тадбир
Мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан «Фарғоназот» акциядорлик жамиятининг цехлари ўртасида «Гулар ва сайроқи қушлар байрами» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Ишчи-ҳодимлар ҳамда ёш авлод қалбида она-Ватанга, табиатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларнинг экологик маданиятини янада ошириш мақсадида ўтказилган танловда 25 нафар иштирокчи ўз салоҳиятини намойиш этди. Ҳар бири ўзи ишлаётган цех худуди ободлиги ва озодлиги, ўзининг ноёб ва хилма-хил гуллари, қушлари, қўлда ясалган гул ва қўш макетлари ҳамда табиатни муҳофаз қилишига йўналтирилган экологик стендлари билан қатнашди. Иштирокчилар 4 йўналиш бўйича баҳоланиб,

Ғолиблар иш берувчи ҳамда касаба уюшма кўмитасининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Баҳром ҚУВВАТОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг етакчи мутахассиси

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИНОМОНЛАР ДИККАТИГА!

«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ
Навоий филиали, АТББ «Ипотек»
Зарафшон филиалига тегишли бўлган Навоий вилояти Хатирчи тумани Қорача КФЙ Ҳўжайли МФЙ худудига жойлашган граунд харисини келиши чеки бичо-иншоотларини ҳамда маъмури рақамли технологияларни ўқитиш маъмури рақамли (оммавий обектга) ўтказиш йўли орқали савдолари қўллаш. Милки мулкнинг бошланғич баҳоси — 1.889.700.000 сўм. «Сотиб олувчи» томонидан олдиндан 15 фоиз тўловини шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида ҳамда қолган 85 фоиз тўловини «Сотувчи» билан узаро келишувга асосан амалга оширилади. «Савдо ташкилотчиси» томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ банки томонидан тўланади, олди-сотди шартномаси имзоланган кундан сўнг «Сотиб олувчи» томонидан қўллаб берилади. 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотиб олувчи» таърифида келиши чекини эълон қилиш тартибидан қолган 85 фоиз тўлов тўлаш тўғрисида сўнг банк томонидан мулкнинг эъломи ҳуқуқи «Сотиб олувчи»га расмийлаштирилади.

«Respublika mulk markazi» АЖ — 20 йиллик вақт билан синналган ишончли ҳамкор.

Хўжайлик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомобилсаноат воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига тақлиф этамиз.
Телефон: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«Respublika mulk markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади!

Аукцион савдосига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадий экспертиза босқичмасига тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Лаҳкарбегий кўчаси, 19-уй манзилида сакланган «Нексис» русумли, 2006 йил ишлаб чиқарилган, ранги оқ, текик холлати тазиярга мўлҳам; давлат рақами 01/393 ЛА, бошланғич баҳоси — 9 631 200 сўм автотранспорт воситаси куйиломқда. Аукцион савдоси 2016 йил 19 июл куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиқ).

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИККАТИГА!

«Respublika Mulk Markazi» АЖнинг устав фондидаги 34 фоизи ташкил этилган давлатга тегишли бошланғич нархи — 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакети «Тошкент» Республикаси Фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга тақлиф этилади! Жамият 1994 йилдан бунён Ўзбекистон Республикаси худудига муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автотранспорт воситаларининг, хўжайлик жамиятлари устав фондидаги улушларнинг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, керакли оргтехника ва офис жиҳозларига эга. Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1 январига қадар хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларидан тўрада дивиденд тарзида олдиндан даромаддан солиқ тўлашдан озоқ қилинганлар. Телефон: (0-371) 227-90-23. Веб-сайт: rmm.uz. Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Бухоро филиали мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади!

2016 йил 19 июл куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдога «Бухоропатхасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Пахтаसानоатингилари» масъулияти чекланган жамиятининг 10.06.2016 йилдаги 55-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидига куйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибидан ҳар бири алоҳида-алоҳида мулк сифатида куйиломқда: 1-ЛОТ Бошланғич баҳоси 11 746 462 сўм бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/051 ВАА бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси, 2-ЛОТ Бошланғич баҳоси 8 153 304 сўм бўлган 2003 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/056 ВАА бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси, 3-ЛОТ Бошланғич баҳоси 3 835 736 сўм бўлган 2000 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/048 ВАА бўлган ТИКО русумли автотранспорт воситаси. 2016 йил 19 июл куни сотилмаган мулклар бўйича, такрорий аукцион савдолари 2016 йил 26 июл ва 2 август кунлари соат 11:00 да такрор қўйилади. Буюртманомалар аукцион савдолари ўтказилишига 1 кун қолганга қадар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиқ).

Буюртманомалар қабул қилиш йўли билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: «Аукцион ташкилотчиси» — «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Бухоро филиали. Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, (4-ҳават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263. Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси «BEST AUTO TRADE INFO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Table with 5 columns: №, Мулкнинг номи (ноқили ва ҳолати), Милкири, Ҳар бирнинг бошланғич баҳоси (сўм), Ҳар бирнинг бошланғич баҳоси (%). It lists various car models like Renault Sandero, Nissan Sunny, etc., with their prices and percentages.

Таблабгорлар диққатига!
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 18 июл куни соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиқ).

Г.В.Пеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси «Молия ва кредит» кафедраси катта ўқитувчиси Темура Шайдановга отаси Рашид Шайдановнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Advertisement for MUASSIS (O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi) including contact info and logo.

Advertisement for BO'LIMLAR (Kasaba uyushmalari hayoti) including contact info and logo.

Advertisement for SHARQ (nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi) including contact info and logo.